

Маслаҳат

Ўзини-ўзи банд қилиш унинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

◀ (Бошланиши 1-бетда)

2. ҚАЙСИ ИШЛАР БИЛАН ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛГАН ШАХС СИФАТИДА ШУҒУЛЛАНИШ МУМКИН?



Конунчиликда ўзини ўзи банд қиладиган шахслар учун 80 дан ортиқ фаолият (ишлар, хизматлар) турлари белгиланган.

3. РЎЙХАТДАН ҚАНДАЙ ТАРТИБДА ЎТКАЗИЛАДИ?



Ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида “Солиқ” мобил иловаси ёки my.soliq.uz, my.gov.uz ҳамда ўзи истиқомат қиладиган ҳудуддаги солиқ инспекциясига бориб рўйхатдан ўтиши мумкин.

Рўйхатдан ўтиш учун аввало сўровнома тўлдирилади. Сўровномада қуйидаги маълумотлар кўрсатилади: жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (паспорт серия рақамидидаги 30 билан бошланадиган 14 хонали рақам), рўйхатдан ўтказиш электрон рақамли имзо орқали амалга оширилса, бу маълумот автоматик тарзда чиқади; танланган фаолият тури; фуқаро ишни (хизматни) бажарадиган манзил; телефон рақам ва у билан боғланиш мумкин бўлган бошқа маълумотлар.

Рўйхатдан ўтиш якунланиши билан ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида QR-кодли маълумотнома берилади.

Маълумотнома ўзбек тилида расмийлаштирилади. Шахснинг хоҳишига кўра, маълумотнома рус ва инглиз тилларида ёки имкон бўлса, бошқа тилда расмийлаштирилиши ҳам мумкин.

4. РЎЙХАТДАН ЎТИШ УЧУН ТЎЛОВ АМАЛГА ОШИРИЛАДИМИ?

Рўйхатдан ўтиш мутлақо бепул тарзда амалга оширилади. Рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги маълумотнома эса, чекланмаган муддатга берилади.

5. БУНИНГ ҚАНДАЙ АФЗАЛ ТОМОНЛАРИ БОР?



Албатта, айрим шахслар “Рўйхатдан ўтмасам ҳам шу ишлар билан бемалол шуғулланиб келялман”, деб ўйлаши мумкин. Аммо рўйхатдан ўтишнинг бир қатор афзал томонлари бор.

Биринчидан, ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтган шахслар йилига камида базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари миқдоридида (330 минг сўм) ижтимоий солиқ тўлайди. Мана шу тўланган солиқ шахсга меҳнат стажини ҳисоблаб чиқариш учун асос бўлади, яъни пенсия учун стаж қўшилади.

Тўловнинг номи солиқ деб номланса-да, аслида бу маблаг тўлиқ Пенсия жамғармасига ўтказилади ва кейинчалик шахсга пенсия шу тўланган пулдан ҳисоблаб чиқарилади.

Агар шахс базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари эмас, кўпроқ миқдорда маблаг тўласа, пенсия ҳам шунга мос кўпроқ ҳисобланади.

Иккинчидан, ўзини ўзи банд қилган шахслар топадиган даромаддан солиқ олинмайди.

Учинчидан, кредит олиш чоғида аксарият банклар расмий даромад манбаини талаб қиладди. Ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтганда шахснинг ишлаб топган маблагни расмий даромад сифатида эътироф этилади.

Бундай афзалликлар ҳар бир инсоннинг келажаги учун хизмат қилиши билан муҳим аҳамиятга эга. Шу боис бу имкониятдан ўз вақтида фойдаланиш зарур.

Дилмурод РАЖАББОВЕВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Чет эллик ҳамкасблар билан тизимда одил судлов сифатини ошириш, ислохотлар самарадорлигини таъминлаш бўйича фикр алмашинди. Бу жараёнда мезбон томоннинг юртимизда кечаётган улкан ўзгаришлардан хабардорлиги ва ушбу демократик янгиланишларга нисбатан ижобий муносабати, айниқса, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларимизга хайрихоҳлигини чин қалбдан ҳис қилдик ва беҳад қувондик.

Жанубий Корея Ўзбекистоннинг халқаро муносабатларда энг яқин ҳамкорларидан бўлиб, Осиё-Тинч океани мамлакатлари орасида биринчи бўлиб 1991 йил 30 декабрда мамлакатимизнинг давлат мустақиллигини тан олган. Давлатларимиз ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1992 йил 29 январда ўрнатилган.

Икки ўртада ҳуқуқий соҳада йўлга қўйилган ҳамкорлик тарихи ҳам ўн йилдан ортиқ даврни ташкил қиладди. Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида 2012 йил 20 сентябрда Фуқаролик ва ҳўжалик ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги шартнома тузилган бўлиб, ушбу шартнома мамлакатимиз томонидан 2013 йил 3 апрелда ратификация қилинган.

Ташриф мобайнида Жанубий Корея суд тизимига оид маълумотлар билан яқиндан танишдик, Соҳага жорий этилган янгиллик ва ўзгаришларга бевосита гувоҳ бўлдик.

Мамлакат Конституциясига кўра, суд давлат ҳокимиятининг мустақил тармоғи бўлиб, одил судлов суд томонидан амалга оширилади. Жанубий Корея суд тизими Олий суд, Юқори суд, Оқруг суди, Патент суди, Оила масалалари бўйича суд, Маъмурий ишлар бўйича суд ва Банкротлик ишлари бўйича судни ўз ичига олади.

Олий суд, Юқори суд ва Оқруг суди умумий юрисдикция судлари бўлиб, уларнинг фаолияти учта инстанция судлари сифатида йўлга қўйилган. Ихтисослаштирилган судлар, яъни Оила масалалари бўйича суд, Маъмурий ишлар бўйича суд ва Банкротлик ишлари бўйича суд Оқруг судлари, Патент суди эса, Юқори суд билан бир даражадаги мақомага эга.

Патент суди, Оила масалалари бўйича суд, Маъмурий ишлар бўйича суд ва Банкротлик ишлари бўйича суд ишларни биринчи инстанция судида кўради. Юқори суд ва Оқруг суди (қонунда белгиланган ҳолларда) ишларни апелляция инстанциясида кўриши мумкин.

Қонунчиликка кўра, ишлар биринчи инстанция судида бир нафар судьядан иборат таркибда, апелляция инстанциясида эса, уч нафар судьядан иборат таркибда кўрилади. Ўзбекистон билан Жанубий Кореянинг тажрибаси аини шу жиҳатдан ўхшашдир.

Мамлакат аҳолиси 51 миллиондан ортиқ бўлиб, судьялар сони 3 минг нафарни ташкил этади. Умумий статистик маълумотларга кўра, судлар томонидан кўриладиган ишларнинг 60 фоизи фуқаролик ишлари ҳиссасига тўғри келади.

Жанубий Корея Олий суди раис ва 13 нафар судьядан иборат бўлиб, раис — Миллий Ассамблея билан келишилган ҳолда Президент томонидан, Олий суд судьялари эса, Олий суд раисининг тақдимига биноан Миллий Ассамблея розилиги асосида Президент томонидан лавозимига тайинланади. Олий судда ишлар кас-

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Масалани, “Агробанк”нинг Зафаробод тумани филиали билан “Проланд” масъулияти чекланган жамияти ўртасидаги кредит бўйича юзага келган низо ҳам судда қонуний ечим топди.

Маълум бўлишича, бундан 4 йил муқаддам — 2019 йил июнь ойида банк филиали томонидан “Проланд” корхонасига 1,2 миллиард сўм миқдоридида кредит ажратилган. Кредит таъминоти сифатида 2019 йил 23 майда тасдиқланган гаров шартномасига асосан Лазица Абдиевага (исм-шарифлар ўзгартирилган) тегишли пойтахтимизнинг Паркент кўчаси, 176-уйдаги бино 435.477.000 сўмга, “Еко House Trans” унитар корхонасига қарашли “Howo” русумли юк автомашинаси 640.390.800 сўмга, “Проланд” корхонаси-

нинг “Кобальт” русумли автомашинаси 64.106.456 сўмга ва тош майдалаш ускуналари 965.387.500 сўмга баҳолашиб, гаровга қўйилган.

Бироқ мижоз кредит қарздорлигини ўз вақтида тўламаган. Шу боис банк судга мурожаат қилишга мажбур бўлган. Натижада фуқаролик ишлари бўйича Дўстлик туманлараро судининг 2021 йил 18 ноябрдаги ҳал қилув қарорига мувофиқ “Проланд” корхонаси ҳисобидан “Агробанк”нинг Зафаробод тумани филиали фойдасига 1.288.535.750 сўм ундириш белгиланган. Ундирув гаровга қўйилган мулкларга қаратилган.

Шундан сўнг гаровга қўювчи Лазица Абдиева кредитнинг 500 миллион сўмини тўлаган ва банк филиали бошқарувчисига мурожаат қилиб, ўзининг гаровга қўйилган биносини

Халқаро ҳамкорлик

Ўзбекистон ва Жанубий Кореянинг суд-ҳуқуқ соҳасидаги ҳамкорлиги самаралари – судьялар нигоҳида



сация тартибида, шунингдек, Юқори суд, Патент суди ва айрим ҳолларда Оқруг суди ва Оила масалалари бўйича суд томонидан биринчи инстанция сифатида кўрилган ишлар бўйича чиқарилган қарорлар апелляция тартибида кўрилади.

Мақомига кўра, Олий суддан кейинги куйи инстанция ҳисобланган Юқори судлар Жанубий Кореянинг олти ҳудуди — мамлакат пойтахти Сеул, шунингдек, Пусан, Тэгу, Кваджу, Тэджон ва Сувонда жойлашган. Инчхон, Чунчон, Чонджу, Ульсан, Чангвон ва Чеджу каби шаҳарларида жамоатчиликнинг одил судловга эришиш имкониятларини таъминлаш мақсадида алоҳида суд органлари тузилган.

Мамлакатимиз делегацияси аъзолари бевосита фаолияти билан яқиндан танишган Сеул Юқори судида 160 нафар судьялик штати мавжуд бўлиб, улар 53 та судлов ҳайъатига бўлинган ҳолда фаолият юрита экан. Судлов ҳайъатларининг 30 таси фуқаролик, 16 таси жиноят ва 7 таси иқтисодий ишларни кўришга ихтисослаштирилган.

Жанубий Кореяда фуқаролик ва жиноят ишлари биринчи инстанция тартибида Оқруг судлари томонидан кўрилади ва мамлакатда 18 та шундай суд фаолият юритади. Оқруг судлари юрисдикциясида шаҳар ва туман (уезд) филиал судлари назарда тутилиши мумкин.

Мамлакатда амалга оширилган суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнида интеллектуал мулк ҳуқуқи ҳимоясини таъминлаш мақсадида 1998 йил 1 мартдан Патент судлари фаолияти ташкил этилган. Мазкур тоифадаги ишлар ушбу судларда биринчи инстанция сифатида кўрилади.

Оилавий низолар ва вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид ишлар ихтисослаштирилган суд — Оила масалалари бўйича суд томонидан кўрилади. Ушбу судлар фаолияти 1963 йил 1 октябрда йўлга қўйилган бўлиб, улар алоҳида ҳолатларда оиладаги ўзвонлиқ учун

жиноий жавобгарлик қўллаш бўйича ишларни кўришга ҳам ваколатли ҳисобланади.

Маъмурий ишлар бўйича суд 1998 йил 1 мартда ташкил этилган бўлиб, солиқ, ер, меҳнат ва бошқа маъмурий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўради. Илгари қайд этилган маъмурий низолар бўйича судга мурожаат қилишдан аввал маъмурий жараёнларнинг барча босқичидан ўтиш талаб этилган бўлса, мазкур суд фаолияти ташкил этилиши билан судга бевосита мурожаат қилиш имконияти яратилгани аҳамиятлидир.

Банкротлик судлари фаолияти 2017 йил 1 мартда йўлга қўйилган. Улар корпоратив реабилитация қилиш, юридик ва жисмоний шахсларнинг банкротлиги, халқаро банкротлик ва шу билан боғлиқ бошқа ишларни кўради.

Жанубий Корея суд тизимида мамлакатимиз суд тизими билан қатор ўхшашликлар мавжуд. Хусусан, бу ерда ҳам Судьялар олий мактаби фаолият юритади. Корея Республикаси Олий суди Илмий-тадқиқот ва малака ошириш институти деб номланувчи ушбу мактаб судьяларни тайёрлаш ва ўқитиш, уларнинг малакасини ошириш вазифаларини бажаради. Бу жараёндаги ўзига хослик шундаки, мактабда ўқитиш тингловчилар судьялик лавозимига тайинлангунига қадар эмас, балки тайинлангандан кейин 5 ой мобайнида амалга оширилади.

Мамлакат қонунчилигига кўра, Олий суд раиси ва Олий суд судьялари этиб 45 ёшга тўлган, соҳа бўйича 20 йиллик иш стажига эга бўлган ҳуқуқшунослар тайинланиши мумкин. Суд корпусида фаолият юртувчи қолган судьялар учун судьялик лавозимига тайинланишнинг энг қуйи ёши белгиланмаган бўлиб, лавозим бўйича малака ва меҳнат стажига оид талаблар бажарилган пайтга келиб энг қуйи ёш ўртача 32-35 ёшни ташкил қилиши маълум бўлди.

Олий суд раиси ва судьяларнинг ваколат муддати 6 йил, бошқа судьяларнинг ваколат муддати 10 йилни

ташкил қиладди. Судьялик лавозимида бўлишнинг энг юқори чегараси Олий суд раиси лавозими учун 70 ёш, судьялар учун 65 ёш қилиб белгиланган.

Мамлакатда суд ишларини юриштида электрон технологияларни жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Электрон суд ишларини юриштиш тизими юзасидан дастлабки лойиҳа ишлари 1998 йилда бошланган. 2008 йилда Олий суд ҳузурида Ахборот технологиялари маркази ташкил этилган.

Барча судларда электрон шаклда ариза бериш имконияти яратилган бўлиб, 2020 йил ҳолатига кўра, фуқаролик ишлари бўйича судларга электрон шаклда берилган аризалар улуши 80 фоиздан кўпроқни ташкил қилган. Шу боис 2021 йилда Сежонг компьютер ахборот маркази қўшимча равишда ташкил этилган.

Электрон суд жараёнлари жорий этилишини рағбатлантириш мақсадида қонунчиликда аризаларни судга электрон топширганлик учун давлат божи тўлашда муайян чегирмалар қўлланади. Бу, ўз навбатида, тизимни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Сафар асносидаги мақбул таассуротлардан яна бири — тараққиётнинг узоқ йўлини ва ислохотлар қўллаб қўғоналарини босиб ўтган Жанубий Корея замонавий суд тизимида ҳозирда мавжуд қўллаб ютуқлар миллий суд тизимимизда қисқа давр ичида деярли тўлиқ амалиётга жорий этилгани ва самарали фаолият юритаётганига амин бўлдик. Бундан чексиз фахрландик.

Буларнинг барчаси мамлакатимиздаги суд-ҳуқуқ ислохотлари тўғрисида бораётганини яна бир бор тасдиқлайди. Муҳими, соҳада эришилган ютуқлар салмоғи аҳамиятли эканлиги хорижий ҳамкасбларимиз томонидан ҳам ҳолис ва ҳаққоний эътироф этилмоқда.

Шухрат АББОСОВ,
Тошкент шаҳар суди раиси
ўринбосари — фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси

● Қонун кўмағи

НОҚОНУНИЙ

даъво аризаси билан мурожаат қилиб, банкка нисбатан аризага жавоб бермаслик ва гаров мулкани тақикдан чиқармаслик ҳаракати (ҳаракатсизлиги)ни ғайриқонуний деб топиш, жавобгар зиммасига ўзига тегишли бинони тақикдан чиқариш ҳамда банкнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги ёзувни гаров реестридан чиқариш

чораларини кўриш мажбуриятини юклашни сўраган. Суднинг 2022 йил 26 июлдаги ҳал қилув қарорига биноан, мазкур даъво талаблари қаноатлантирилган. Лекин бундан норози бўлган “Агробанк”нинг Зафаробод филиали апелляция шикоятини билан мурожаат қилиб, ҳал қилув қарорини бекор қилишни сўраган.

Амалдаги Фуқаролик кодексининг 234-моддасига кўра, мажбурият — фуқаролик ҳуқуқий муносабати бўлиб, унга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга, қўнчончи, мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш,



Таҳлил ва таклиф



Корпоратив муносабатларда “имтиёзли ҳуқуқ” қонунчиликка ўзгартиш киритишни тақозо этади

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Аммо бошқа фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан фарқли равишда корпоратив муносабат иштирокчилари бир-бири билан умумий мақсад, ҳамкорликда фаолият, содқлик ва ғамхўрлик асосида иш юритиш каби бир қатор умумий та-мойиллар билан ўзаро боғлиқ бў-либ, иштирокчилардан бирининг ўз ҳуқуқини амалга ошириши бошқа иштирокчилар ҳуқуқ ва мажбурият-ларга бевосита ёки билвосита боғ-лиқ экани муайян ҳуқуқий оқибат-ларни келтириб чиқаради.

Жумладан, масъулияти чек-ланган жамият иштирокчиси ўзи-га тегишли улушни сотишга қарор қилган тақдирда, бошқа иштирокчи-ларга улушни у сотиладиган нарх-да ва бошқа тенг шартларда сотиб олишни таклиф қилиши шарт. Бу қоида **“Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жа-миятлар тўғрисида”**ги қонуннинг 20-моддасида белгиланган. Улу-шини сотиш истагида бўлган ишти-рокчининг ушбу мажбурияти бошқа иштирокчиларнинг қонунда “имти-ёзли сотиб олиш ҳуқуқи” белгилан-гандан келиб чиқади.

Фуқаролик кодексидида имтиёзли ҳуқуқнинг қуйидаги турлари белги-ланган:

- Мулкдорлардан бири ўз улу-шини бошқа шахсга сотган вақти-да қолган мулкдорлар сотилаётган улушни у сотиладиган нархда ва бошқа тенг шартларда имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи (224-модда);

- Гаров билан таъминланган маж-бурият бажарилмаган тақдирда гаровга олувчи гаровга қўйилган мол-мулкнинг қийматидан гаров-га қўювчининг бошқа кредиторла-рига қараганда имтиёзли суратда қаноатлантирилишига ҳақлилиги (264-модда);

- Ижарага олувчи шартнома муддати тугаганидан кейин янги муддатга шартнома тузишда бо-шқа шахсларга нисбатан имтиёзли ҳуқуққа эгаллиги (553-модда);

- Фан, адабиёт ёки санъат асари-дан иборат бўлган танловни эълон қилган шахснинг, шартлашилган му-кофотга сазовор бўлган муаллиф билан унга тегишли ҳақни тўлаган ҳолда, асардан фойдаланиш тўғри-сида шартнома тузишда имтиёзли ҳуқуққа эгаллиги (979-модда);

- Меросга нисбатан имтиёзли ҳуқуқ (1138, 1153-моддалар).

Бундан ташқари **“Масъулияти**

чекланган ва қўшимча масъу-лиятли жамиятлар ҳақида”ги қонуннинг 20-моддаси бешинчи қисмида бир турдаги жамият ишти-рокчиларидан ташқари улушни имтиёзли сотиб олишда яна бир субъект – масъулияти чекланган жамиятнинг ҳам ҳуқуқи белги-ланган. Унга кўра, агар масъули-яти чекланган жамиятнинг бошқа иштирокчилари жамиятнинг ишти-рокчиси томонидан сотилаётган улушни сотиб олишда ўзининг имтиёзли ҳуқуқидан фойдаланма-ган бўлса, жамият мазкур улушни сотиб олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўлади. Бироқ ушбу қонуннинг 22-моддасида умумий қоида сифа-тида айрим истисноларни инобатга олган ҳолда масъулияти чекланган жамият ўзининг устав фондидаги улушни олишга ҳақли эмаслиги белгиланган.

Мазкур қонун талабларининг умумий мазмунидан келиб чиққан ҳолда **“Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамият-лар ҳақида”**ги қонуннинг 20-мод-даси бешинчи қисмини **“Агар жа-миятнинг бошқа иштирокчилари жамиятнинг иштирокчиси томо-нидан сотилаётган улушни (улу-шининг бир қисмини) сотиб олишда ўзининг имтиёзли ҳуқуқидан фой-даланмаган бўлса, агар жамия-тнинг уставидида улушни (улу-шининг бир қисмини) сотиб олишда жамият имтиёзли ҳуқуққа эга эканлиги назарда тутилган бўл-са, жамият мазкур улушни (улу-шининг бир қисмини) сотиб олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўлади”** де-ган таҳририда баён этиш мақсадга мувофиқдир. Бу орқали ушбу қоида 20-модда тўққизинчи қисми ҳамда 22-модданинг умумий мазмунига мувофиқлаштирилади. Зеро, ушбу ҳолатга аниқлик киритиш судга даъво аризаси билан мурожаат қи-лиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доираси ва асосини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўз улушини учинчи шахсга сотиш ниятида бўлган жамият иштирок-чиси улуши сотиладиган баҳони ва бошқа шартларни кўрсатган ҳолда, даставвал бу ҳақда жамиятнинг қолган иштирокчилари ва жамият-нинг ўзини ёзма равишда хабар-дор қилиши шарт. Қонунда жамият иштирокчилари ва (ёки) жамиятнинг улушни сотиб олишдаги имтиёзли ҳуқуқининг муддати шундай хабар берилган кундан эътиборан, агар

жамият уставидида ёки жамият ишти-рокчиларининг келишувида бошқа муддат назарда тутилган бўлмаса, бир ой қилиб белгиланган. Агар жа-мият иштирокчилари ва (ёки) жами-ят белгиланган муддатда имтиёзли ҳуқуқидан фойдаланмаган тақдир-да, улуш жамиятга ва унинг ишти-рокчиларига маълум бўлган баҳода ва шартларда учинчи шахсга соти-лиши мумкин. Аммо амалда ушбу тартибга риоя қилинмаслик ҳолат-лари ҳам кузатилади. Бундай ҳолат содир бўлганда, иштирокчиларга ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг мах-сус усули белгиланган. Хусусан, 20-модданинг тўққизинчи қисмига кўра, улуш (улушнинг бир қисми) сотиб олишнинг имтиёзли ҳуқуқи бузилган ҳолда сотилган тақдирда, жамиятнинг исталган иштирокчиси ва (ёки) жамият, агар жамиятнинг уставидида улушни (улушнинг бир қисмини) сотиб олишда жамият имтиёзли ҳуқуққа эга эканлиги на-зарда тутилган бўлса, бундай бу-зилишни билган ёҳуд уни билиши лозим бўлган пайтдан эътиборан уч ой ичида сотувчининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ўзига ўтказишни суд тартибидида талаб қилишга ҳақ-ли.

Фуқаролик кодексининг 224-мод-даси тўртинчи қисмига асосан улуш имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқини бу-зган ҳолда сотилган тақдирда, бо-шқа мулкдорлар уч ой мобайнида сотиб олувчининг ҳуқуқ ва маж-буриятларини ўзларига ўтказиш-ни суд тартибидида талаб қилишга ҳақлидир. Гарчи ушбу қоида жами-ятнинг улушлари эмас, балки умум-ий мулкдаги улушли мулкка оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлса-да, фи-кримизча, имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи шартлари ва таъминлари бир хил бўлиши лозим.

Чунки бу ҳолатда икки қонун-нинг қоидалари ўртасида тафо-вут мавжуд. **“Норматив ҳуқуқий ҳужжат тўғрисида”**ги қонуннинг 18-моддаси тўртинчи қисмига кўра, тенг юридик кучга эга бўлган нор-матив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртаси-да тафовутлар бўлган тақдирда, кейинроқ қабул қилинган норма-тив-ҳуқуқий ҳужжат қоидалари амал қилади (бундан ушбу мод-данинг бешинчи қисмида назарда тутилган ҳол мустасно). Бироқ маз-кур ҳолатда ушбу қондани қўллаб бўлмайди. Чунки ҳолатнинг маз-мунидан келиб чиққан ҳолда имти-

ёзли ҳуқуқ эгаси ушбу фуқаролик ҳуқуқий муносабатда “сотувчи” си-фатида эмас, балки “сотиб олувчи” бўлиб иштирок этади ва ўз навбати-да, “сотувчининг” эмас, “сотиб олув-чининг” ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўтказишни талаб қилишга ҳақли. Шу сабабли **“Масъулияти чеклан-ган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар ҳақида”**ги қонуннинг 20-моддаси тўққизинчи қисмидаги **“сотувчининг”** сўзи **“сотиб олув-чининг”** сўзи билан ўзгартирилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Имтиёзли ҳуқуқ бузилиши ҳолати бўйича мурожаатлар таҳлил этил-ганда жисмоний ва юридик шах-слар судларга икки хил мазмундаги даъво талаблари билан мурожаат қилишгани маълум бўлди. Баъзи даъво аризаларида белгиланган имтиёзли ҳуқуқ бузилган ҳолда ту-зилган битимни унинг қонун тала-бларига зид экани сабабли ҳақиқий эмас деб топиш, бошқа ҳолларда сотиб олувчининг ҳуқуқ ва мажбу-риятларини ўзларига ўтказиш та-лаби ўз аксини топган. Амалиётда ҳар икки талаб бирлаштирилган ҳолда судга тақдим этилган даъво аризалари ҳам учрайди. Олий суд Пленумининг 2006 йил 22 декабр-даги **“Суд амалиётида битимлар-ни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини тадбиқ қилишда ву-жудга келадиган айрим масала-лар тўғрисида”**ги қарори 21-бан-дига кўра, бир вақтнинг ўзидида сотиб олувчининг ҳуқуқини ўтказиш ва олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақида талаблар арз қилинганда, суд арз қилинган талабларга аниқлик киритиши ло-зим. Чунки умумий улушли мулкда бўлган мулкни сотишда олди-сотди шартномаси бўйича сотиб олув-чининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари-ни ўтказиш тўғрисидаги талаблар имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи бузил-ганлиги ёки бошқа асослар бўйича шартномани ҳақиқий эмас деб то-пишни истисно қилади.

Бундан ташқари ушбу қарорнинг 22-бандида умумий мулкдаги улу-шини сотувчи бошқа мулкдорга ўз улушини сотмаслик мақсадида мулк баҳосини атайин юқори кўрсати-ши ва у сотиб олишни рад этгани-дан кейин бошқа шахсга паст баҳо-да сотгани ҳолатининг аниқлангани имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи бу-зирилганлигига олиб келиши ва унинг оқибатида Фуқаролик кодексининг 224-моддаси 4-қисмини қўллаш учун асос бўлиши тўғрисида тушун-тириш берилган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, жамият улушини сотиб олишни тартибга солувчи имтиёз-ли сотиб олиш ҳуқуқини белгилов-чи қоидаларнинг юқорида таклиф этилган тарзида ўзгартирилиши иштирокчиларнинг корпоратив ҳуқуқларини амалга оширишда мавжуд тушунмовчиларни барта-раф этиш баробарида корпора-тив муносабатларнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади.

Максуд САИДОВ,
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори

ҲАРАКАТСИЗЛИК

судда барҳам топди

пул тўлаш ва ҳоказо ёки муайян ҳаракатдан ўзини сақлашга, кредитор эса, қарздордан ўзининг маж-буриятларини бажариш-ни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Ушбу кодекснинг 281-мод-дасида қарздор ёки учинчи шахс бўлган гаровга қўювчи гаров нарсаси реализация қилингунига қадар исталган вақтда гаров билан таъмин-ланган мажбуриятни ёки унинг муддати ўтказиб юборилган қисмини бажариб, ундирувни гаров нарсасига қаратишни ва уни реализация қилишни туга-



тишга ҳақли экани, бу ҳуқуқни чеклайдиган келишув ўз-ўзи-дан ҳақиқий эмаслиги қайд этилган.

Баён этилган ҳолатда га-ровга қўювчи кредит қарзи-нинг 500.000.000 сўмини тўла-ган. Ваҳоланки, унинг биноси 436.477 000.сўмга баҳоланиб, шу миқдорда гаровда қўйил-ган.

Фуқаролик кодексининг

9-моддасига асосан, фуқа-ролик ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун би-лан қўриқланадиган манфа-атларини бузмаслиги шарт.

Фуқаролик ҳуқуқий муно-сабатлари иштирок-чиларининг ҳалол, оқилона ва адолат билан ҳаракат қили-ши назарда тутилади. Фуқаролар ва юридик шахслар ўз ҳуқуқла-

рини амалга оширишда жами-ятнинг маънавий таъминлла-ри ва ахлоқий нормаларини ҳурмат қилиши, тадбиркорлар иш одоби қоидаларига ҳам риоя этиши керак. Уларнинг бошқа шахсга зарар етказиш, бошқача шаклларда ҳуқуқни суиистеъмол қилиш, шунинг-дек, ҳуқуқни унинг мақсадига зид тарзда амалга ошириш-га қаратилган ҳаракатларига

йўл қўйилмайди. Шу боис би-ринчи инстанция суди айни масалада даъво талабини қаноатлантириб, қонуний ва асосли хулосага келган. Бино-барин, Тошкент шаҳар суди-нинг фуқаролик ишлари бўйи-ча судлов хайъати фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туман-лараро судининг 2022 йил 26 июлдаги ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз, апелляция ши-коятини қаноатлантирмасдан қолдириш юзасидан ажрим чиқарди.

Бунда суд инстанциялари фуқаронинг хусусий мулки дахлсизлиги ва амалда маж-бурият тўлиқ ижро этилганига эътибор қаратган.

Бош қомусимизнинг 55-мод-дасида **“Ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда тақиқланмаган барча усул-лар билан ҳимоя қилишга ҳақли. Ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва**

эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат орган-ларининг ҳамда бошқа таш-килотларнинг, улар мансаб-дор шахсларнинг қонунга хилоф қарорлари, ҳа-ракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қи-лиш ҳуқуқи кафолатланади” дея қайд этилган. Шу маънода айтганда, суд қонунбузарлик туфайли сарсон бўлган фуқа-ронинг ҳуқуқини ҳимоя қилди. Банкнинг хатти-ҳаракати нати-жасида фуқаро бир неча йил овора бўлган бўлса-да, лекин қонун устуворлиги ва мулк дахлсизлиги туфайли унинг бузилган ҳуқуқлари суд орқали тикланди. Бу мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари Конституция даражасида кафолатлангани-нинг ёрқин ифодасидир.

Икром АЛМАНОВ,
Тошкент шаҳар суди судьяси

Моҳият

Мулк ҳуқуқи ДАХЛСИЗЛИГИ тадбиркорлик ривожиди муҳим ўрин тутади



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Мулкдор ўз мулки ишонч-ли ҳимоя қилинишига ишон-сагина инвестиция кирита-ди. Тадбиркор шундагина бизнесини ривожлантириш-га астойдил ҳаракат қила-ди. Натижада ҳам мулкдор, ҳам давлат иқтисодиёти ри-вожланади.

Юртимизда сўнгги йил-ларда тадбиркорлар ҳуқуқлари янада кенг ҳи-моя қилинаётгани бежиз эмас. Соҳа вакиллари-нинг ҳуқуқий ҳимояси ку-чайтирилаётгани, уларга кўплаб имтиёз ва энгиллик-лар билан қонунда белгиланган руҳлантирибгина қолмай, иқтисодиётимизнинг риво-жи, халқимиз фаровонли-гини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Яратилаётган қулай им-кониятлар туфайли кей-инги 6 йилда тадбиркор-лик субъектлари сони 6 баробар кўпайиб, бугунги кунда 2 миллионтани таш-кил этмоқда. Даромади 1 миллион доллардан ошган тадбиркорлар сони 26 минг нафарга, 220 нафар тад-биркорнинг даромади эса 100 миллион долларга етди. Шу билан бирга, хусусий мулкни ҳимоя қилиш соҳа-сида амалга оширилган ислохотлар ва кўрилаётган чораларга қарамастан, ху-сусий мулк дахлсизлиги бо-жарасида муайян муаммо ва низолар мавжуд эди.

Шу ўринда янги тахрир-даги Конституциямизда илк мартаба ер хусусий мулк бўлиши мумкинлиги назар-да тутилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Ушбу норма асосий қонундаги ҳақиқий инқилобий анги-ликлардан бири сифатида мулкчилик муносабатлари-даги бушлиқни тўлдирди.

Жумладан, эндиликда ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Уй-жойидан маҳрум этилган мулкдорга уй-жой ҳамда у кўрган зар-рарнинг ўрни қонунда на-зарда тутилган ҳолларда ва тартибда олдиндан ҳамда тенг қийматда қопланиши таъминланади.

Бунда уй-жой мулкдор-ларига нисбатан 2 турдаги муҳим конституциявий ка-фолат белгиланди. Булар-дан бири – суд кафолати бўлса, иккинчиси – уй-жой-дан маҳрум этилганда ком-пенсация олиш кафолати-дир.

Суд кафолати уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқи суд қарорисиз маҳрум этили-шига йўл қўйилмаслигини

англади. Бунда суд томо-нидан мулк ҳуқуқини бекор бўлишига сабаб бўлувчи ҳолатлар амалдаги қонун ҳужжатлари асосида объ-ектив тарзда кўриб чиқилад-ди. Албатта, мазкур тартиб мулкдор ҳар қандай ҳолат-да асоссиз равишда мулк ҳуқуқидан маҳрум этилмас-лигини кафолатлайди.

Иккинчи кафолат, яъни уй-жойдан маҳрум этилган-да компенсация олиш кафо-лати мулкдорнинг иқтисодий манфаатлари ҳимоясига йўналтирилгани билан эъ-тиборга молик. Мазкур нор-лар берилаётгани уларни ҳолларда ва тартибда уй-жойидан маҳрум этилган мулкдорнинг шу уй-жой ва етказилган зарар учун тенг қийматда компенсация оли-шини кафолатлайди.

Шунингдек, хусусий мулк-ка эгалик қилиш, ундан фой-даланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқини бевосита ёки билвосита чеклашни назар-да тутувчи, мулккий муноса-батларда бозор иқтисоди-ёти таъминларини тўлиқ қилувчи тартиблар, талаб-лар ва чекловлар бекор қилинди. Бундан кўзланган мақсад суд орқали хусусий мулк ҳимояси ва дахлсиз-лигини таъминлашдир.

Хусусан, ер участкала-рига бўлган ҳуқуқнинг ву-жудга келиши учун асос бўлган ҳужжатларни, жум-ладан, Вазирлар Маҳка-маси, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳужжатларини уларнинг ўзи ёки юқори турувчи орган ва мансабдор шахслар томо-нидан, хусусан, прокурор протести асосида бекор қи-лиш йўли билан ер участка-сига бўлган ҳуқуқни тугатиш амалиётига чек қўйилди. Ушбу ҳужжатлар қақат суд томонидан бекор қилиниши ёки ҳақиқий эмас, деб топи-лиши белгиланди.

Бир сўз билан айтган-да, янги тахрирдаги Конс-титутцияда мулкдорларнинг мулк ҳуқуқи дахлсизли-ги таъминларининг мус-таҳкамлангани уларнинг мол-мулкни ўзбошимча-лик билан қонунга хилоф равишда тортиб олиш ва улардан фойдаланиш ҳо-латларидан ҳимоя қилини-шини кафолатлайди. Бу, ўз навбатида, мулкдорларнинг ўз мулкига эгалик қилиши ва улардан фойдаланиши учун замин яратади ҳамда давлатга бўлган ишончини мустаҳкамлайди.

Адҳам ШОДМОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни

Ватанимизнинг ёруғ истиқболи таълим ва тарбияга боғлиқ



◀(Бошланиши 1-бетда)

• ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражасини камида 50 фоизга етказиш;

• 10 та олий таълим муассасасини дунёнинг энг нуфузли “топ — 1000” олийгоҳлари рейтингига киритишга эришиш;

• қўшимча 120 минг ўринли ўқув бинолари ҳамда 150 минг ўринли талабалар турар жойларини қуриш;

• фундаментал тадқиқотларни амалга ошириш учун 3 триллион сўм маблағ ажратиш каби амалий тадбирлар ҳақида сўз бормоқда.

Тараққиёт стратегиясининг 100 та асосий мақсадидан бир қанчаси айнан таълим соҳасини тараққий эттириш билан боғлиқ. Янада аниқ қилиб айтганда, ушбу ҳужжатнинг 38-39-40-мақсадларида мактабгача таълим тараққиётига оид муҳим ва-

зифалар белгилаб берилган бўлса, 41-42-43-44 ва 45-мақсадлари мактаб таълимини ҳар томонлама ривожлантиришга ҳамда 46-47-48, 49 ва 50-мақсадлари олий таълим тизимдаги янгиланишларга тааллуқли.

Шу негизда мактабгача таълим муассасаларида мактаб ёшигача бўлган болаларнинг умумий саводини қиқариш, болаларда Ватанни севиш, у билан ғурурланиш ҳиссини уйғотиш, дунёқарашини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сўнгги олти йилда болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси 27 фоиздан 70 фоизга етиши натижасида бугунги кунда 2 миллионга яқин бола боғчада бормоқда.

Мактабларда таълим сифати ҳамда жамиятда ўқитувчи касбининг нуфузини ошириш,

муаллимларнинг шароитларини яхшилаш 2023 йилдаги энг асосий вазифалардан бирига айланди. Янада муҳими, жорий йилдан мактаб таълимини халқаро таълим дастурлари асосида бутунлай ислоҳ қилиш бошланди.

Ҳозирги даврда илм-фан, таълим, инновация, технология ва кадрлар замонавий демократик жамият тараққиётининг ҳал қилувчи омили эканига ҳеч қим шубҳа қилмайди. Мамлакатимиз тараққиётини замон талабларига мос равишда илм-фансиз тасаввур этиш қийин. Бинобарин, 2022 йилда илм-фан ва инновацияларга 2017 йилга нисбатан қарийб 6 баробар кўп маблағ йўналтирилди. Олимларнинг иш ҳақи ҳам 4,5 баробар оширилди. Жорий йилда илм-фан ва инновацияларга бундан-да кўп маблағ ажратилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, янги

тахрирдаги Конституциямиз, шунингдек, “Ўзбекистон – 2030” стратегияси ва Тараққиёт стратегияси доирасида юртимиз ҳаётининг таълим-тарбия ҳамда илм-фан соҳаларида салмоқли ва кўламдор ишлар амалга оширилмоқда. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, жаҳоннинг етакчи давлатлари қатори мамлакатимизда ҳам таълимни ривожлантириш, таълим сифатини ошириш масалаларига биринчи галдаги вазифа сифатида қаралаётганидан далолат беради.

Бу ўринда инсон омили – ўқитувчи ва мураббийларнинг том маънодаги фидойилиги ҳам талаб этилади. Аинан улар:

- мамлакатимизда таълим тизимини халқаро стандартлар асосида ривожлантириш;
- соҳага доир ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш;
- ўқув-тарбия жараёнига мил-

лий ва илғор хорижий тажрибалар, инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш;

- ўқувчи ва талабаларга илм-фан асослари ҳамда замонавий касб-хунарларни ўргатиш;
- ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш;
- соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш;
- фарзандларимизни она Ватанга меҳр ва садоқат, умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш;
- Янги Ўзбекистонни бунёд этиш;
- Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш ишларига муносиб ҳисса қўиши зарур.

Шундай қилиб, бугунги кунда жаҳоннинг етакчи давлатлари қатори мамлакатимизда ҳам таълим-тарбия соҳаси ривожига биринчи галдаги вазифа сифатида қаралмоқда. Президентимиз таъбири билан айтганда, “**тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам бу – илм-фан, таълим ва тарбиядир. Эртанги кунимиз, Ватанимизнинг ёруғ истиқболи, биринчи навбатда, таълим тизими ва фарзандларимизга бераётган тарбиямиз билан чамбарчас боғлиқ**”.

Ғулом МИРЗО,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

Қизиқарли фактлар

Америкалик машҳур ёзувчи Марк Твеннинг асл исми Сэмюэл Клеменс бўлиб, у ўртаҳол оилада туғилиб ўсган. Ёшлигидан турмушининг оғир ара-васини тортишга мажбур бўлган бўлажак ёзувчи дастлаб газета таҳририятида иш бошлаган. Кейинчалик у кема бошқарувчилигини ўрганиб, дарёлар бўйлаб олтин-кўмуш қидиришни ният қилади. Айнан кема бошқариш вақтида унга “Марк Твен” тахаллуси берилади.

АХДГА СОДИҚЛИК


ёхуд машҳур ёзувчи Марк Твеннинг шахсий ҳаёти

Лекин бу борада унинг иши юришмайди. Аммо бундан умидсизликка тушмаган иқтидорли йигитча ҳикоялар ёза бошлайди. Бу сафар омади чопиб, унинг ҳикояларини бутун Америка халқи севиб ўқий бошлайди. Айнан шу вақтда у бўлажак рафиқаси — бадавлат сармоядорнинг қизи бўлган Оливияга кўнгли қўяди. Тўғрироғи, у қизнинг ўзига эмас, унинг кичиккина суратига ошиқ бўлади. Чунки яқин дўсти сингисининг расмини кўрсатгандаёқ ёзувчининг юраги жиз этади. Орадан кўп вақт ўтмай дўстининг таклифига кўра, уларнинг уйида меҳмон бўлган Марк Твен Оливия билан танишади. Икки ҳафтадан сўнг у қизга турмуш қуришни таклиф этади. Қиз бир қарашда кўпол ва тўпори кўринган йигитни ёқтирса-да, ўртадаги ўн ёшлик таовфудан чўчийди. Қолаверса, у қиз яшаётган муҳитга нисбатан камбағал ҳисобланарди. Шу боис Оливия унинг ёзувчилик иқтидорини тан олса-да, рад жавобини беради. Аммо Марк Твен бундан тушқунликка тушмайди ва яна розилик сўрайди. Қиз бу гал унинг динга жиддий муносабатда эмаслигини айтиб, таклифини рад этади.

Аслида қиз қалбдан аллақачон унга турмушга чиқишга тайёр эди. Бироқ у бунинг йигитга ошқор қилмайди. Чорасиз қолган Марк Твен ортга қайтаётганда ҳалокатга учрайди. Унчалик жиддий жароҳат олмаган бўлса-да, ўзини қаттиқ жабрланган қилиб кўрсатган йигит Оливиянинг кўнглига йўл топади. Ана шу вақтда у яна бир бор қизга ниятини айтиди ва ва бу гал Оливия розилик билдиради.

Тўйдан сўнг улар жуда аҳил-инок яшаган. Ўнг қизиги, ёзувчи кўплаб ҳикоялари хотинига ёқла-маслигини билиб, уларни нашр этишга бермаган. Чунки Оливия унинг энг биринчи ўқувчиси ва таъкидчиси бўлган. Яқин дўстларининг хотирла-шича, Оливия ўзига ёқмагани учун “Текльберри ва Фин” асаридаги айрим ибораларни олдириб ташлаган.

Ёзувчи даярли барча жабҳада хотинининг фикрини инобатга олган. Унга бўлган чексиз муҳаббати тўғайли бу Марк Твен учун қийинчилик туғдирмаган. Оливия эрини “оқ сочли ўсмир” деб атаган ва шунга яраша ўзи ҳам



унга жуда меҳрибон бўлган. У болаларча содда, табиатан ўта ҳазилкаш ва кўтаринки кайфиятга эга бўлган эри билан жуда фахрланган. Чунки ёзувчининг ҳар қандай ҳолатга ҳазил ва мutoйиба билан ёндашуви уларга кўп ҳолатларда ёрдам берган. Ҳатто ёзувчи Оливияхоним бедаво дардга йўлиққанини билганда ҳам унинг кайфиятини кўтаришга ҳаракат қилган. Бунинг учун уй атрофидаги дарахтларга турли қулгилни ёзувлар илиб чиққан. Ана шундай мактубчалардан бирида қушларга қандай сайра-шни тўғрисида кўрсатма берилган. Бу ёзув Оливиянинг ётоғи ойнасига ёпиштирилган.

Ҳаётда кўплаб ғамгин кунларни босдан ўтказган, фарзандларининг ўлими, молиявий касодга учраш каби оғир синовларга дуч келган жуфтлик умрининг охирига қадар севги аҳдида содиқ қолган. Ёзувчининг метин иродаси ва хотинининг чексиз сабри уларга бу синовларни енгишга ёрдам берган. Айтишлари-ча, ёзувчи оилавий ҳаёти давомида хотинига бирор марта овозини кўтариб гапирмаган, Оливия эса ҳеч қачон унга хархаша қилмаган. Марк Твен умрининг охиригача хотинини асраб-авайлаган. Ҳатто бир гал унга нисбатан нўйрн қизга ҳазил қилгани учун яқин дўстининг бахридан ўтган. Ёзувчининг рафиқасига ёзган бир мактубида шундай жумлалар учрайди:

“Азизам, биргаликда кечирган ҳар бир кунимиз мен учун қадрли. Сен билан ҳаётимни боғлаганимга асло афсус чекмайман. Чунки ўтган йиллар мобайнида сени янада кучлироқ севдим. Шу сабабли келажакка қўрқувсиз ва умид билан боққан ҳолда ҳаёт йўли-мизда давом этамиз.”

Машҳур ёзувчининг асарлари узоқ вақтдан бун китобхонларга маънавий озуқа бериб келаётган бўлса, оилавий ҳаётини кўпчилик учун ибрат намунасиدير.

Интернет материаллари асосида Ҳумоюн МИРЗО тайёрлади.

Қонун қўмағи

Фуқаролик ишлари бўйича Косон туманлараро судининг 2020 йил 12 октябрдаги суд бўйруғига асосан Одил Каримов (исм-шарифлар ўзгартирилган) ҳисобидан вояга етмаган бир нафар фарзанди моддий таъминоти учун вояга етгунга қадар ҳар ойдаги иш ҳақи ва бошқа даромадларининг тўртдан бир қисми миқдорида алимент пули тўлаши белгиланганди.

ТАЪМИНЛАНГАН ТАЪМИНОТ фарзанд камолига хизмат қилади



Аммо О.Каримов оталик бурчини унутиб, вояга етмаган фарзандини моддий таъминлашдан бўйин товлади. Шу боис унга нисбатан жиноят ишлари бўйича Муборак туман судининг 2022 йил 5 октябрдаги қарорига асосан 10 суткалик маъмурий қамоқ жазоси қўлланилди. Буни қарангки, О.Каримов бу жазодан ҳам ўзига тегишли хулоса чиқариб олмади. У қонунда кўрсатилган икки ойдан ортиқ муддат мобайнида 2022 йил 30 сентябрь кунидан 2023 йил 22 июнь кунига қадар тўланиши лозим бўлган 7 миллион 500 минг сўмлик алимент пулини тўлашдан қасддан бўйин товлаб келди.

мюва нисбатан Жиноят кодексининг 122-моддаси 1-қисмига асосан 1 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди ва тўланмай қолган алимент пулини ундириш бўйича суд қарори чиқарилди.

Бу турли баҳоналар билан алимент тўлашни пайсалга солиб юрган масъулиятсиз кишилар учун сабоқ вазифасини ўтатиш шубҳасиз.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш зарурки, вояга етмаган фарзандни моддий таъминлашдан бўйин товлаш қонуний жавобгарликка сабаб бўлади. Бу бола ҳуқуқлари ҳимоясига хизмат қилади.

Шаҳобиддин ҲАСАНОВ, жиноят ишлари бўйича Муборак тумани суди раиси

Оқибатсизлик ФОЖИАСИ

Жиноят ва жазо



судда қотил акага қонуний жазо тайинланди

Ўтган йилнинг 28 август кунини кечкурун Балиқчи туманидаги “Жартепа” маҳалласида бирдан қий-чув кўтарилади. Табиийки, тўсатдан юз берган бу ҳолат ақсарият маҳалладошларининг кўнглига ташвиш ва ғулғула солади. Овоз келган томонга шовиб борган кишилар муҳқиш жиноятга гувоҳ бўлишади.

Ёши олтимини қоралаган Ихлос Ҳайитқулов (исм-шарифлар ўзгартирилган) оиладан ёлчимаган. Чунки у бадфеъллиги тўғайли беш марта уйла-ниб, ажрашган.

Бундан ташқари И.Ҳайитқулов асаббўзарлиги билан яқинларининг ҳам сабр косасини тўлдириб юборганди. У ҳуда-беҳуда укаси Элмурод Ҳайитқуловнинг ҳаётига ҳам ара-лашаввергани ҳаммасидан ошиб тушади. Бугини сўрасангиз, Элмурод 2004 йилда Орзухон Ҳайитқулова билан турмуш қуриб, 4 нафар фарзанд-ли бўлган. Лекин кейинги йилларда И.Ҳайитқулов келини Орзухонга тинчлик бермай қўяди. Аникроғи, спиртли ичимлик ичиб, маст бўлган кезларида укасининг хонадонига келиб, О.Ҳайитқуловани ҳақорат қилиб, ҳеч қандай асоси бўлмаса-да, эрига хиёнат қилганликда айб-ларди. Табиийки, бундай тўхматлар Орзухоннинг иззат-нафсини топтаган. Акасининг тўхматларидан Э.Ҳайитқуловнинг ҳам газзаби қикса-да, у билан жанжаллашмаслик учун зўрга чидаб келади.

Кейинчалик маълум бўлишича, бир йил олдин Элмурод акасининг то-морқасини вақтинча фой-даланишга олиб, у ерда эр-хотин энг шимариб меҳнат қилади. Шунга яра-ша яхши даромадга эга бўлган Элмурод ер эгаси сифатида И.Ҳайитқуловни ҳам қуруқ қўймайди. Би-роқ акани ўзига берилган улуш қониқтирмайди. Оқи-батда у арзимас баҳона-ларни рўқач қилиб, укаси ва келини билан жанжал-лаша бошлайди.

Ўтган йилнинг 28 ав-густ кунини кечкурун мав-сумий ишдан қайтаётган И.Ҳайитқулов маҳалла-даги дўкондан спиртли ва салқин ичимлик сотиб олади. Уйда уларни ис-теъмол қилиб, тез орада кайфи ошиб қолади. Ақ-сига олиб, шу кунни Анди-жон шаҳридаги қурилиш объектида ишлаётган Элмурод ҳам уйига шира-кайф ҳолда қайтади.

Кечки овқатдан сўнг Э.Ҳайитқулов акасининг уйига қиради. Ўзаро суҳ-бат асносида ака-ука яна тортишиб қолади.

- Мендан нима истай-сиз? — деб сўрайди ука.
- Хотининг суяқоёқ, бурнингдан ип ўтказиб олган, — дейди И.Ҳа-

йитқулов ўдағайлаб.

Бу ҳақоратомуз гап Элмуроднинг йигитлик ғурурини топтади. Би-нобарин, у акаси билан муштлашиб кетади. Оғриқ зарбидан тўқиб кетган ака стол устида турган ошхона пичоғини қўлига олиб, укасининг кўкраги ва танасининг турли жой-ларига бир неча маротаба санчади. Оқибатда Элму-род хушини йўқотиб, ерга йиқилади. Шунда И.Ҳа-йитқулов кўчага чиқиб, қўшниси Абдулҳамид Турғуновдан “Тез ёрдам” шифокорларини чақари-шни илтимос қилади.

Орадан кўп вақт ўт-май, “Тез ёрдам” маши-наси етиб келади. Лекин бу пайтда чавақланган ука аллақачон жон тас-лим қилганди. Бинобарин, навбатчи шифокорлар дарҳол ҳуқуқни муҳофа-за қилувчи идорага хабар беришади. Шундан сўнг И.Ҳайитқуловга нисбатан жиноят иши қўзғатилади.

Яқинда И.Ҳайитқулов-нинг қилмиши жиноят ишлари бўйича Балиқчи туман судида мазмунан қўриб чиқилди.

- Мен тўртта вояга ет-маган болам билан ёлғиз қолдим. Боқувчимдан маҳрум бўлдим. Фарзанд-ларим отасининг умрига зомин бўлган кимсага қо-нуний жазо тайинлашин-гизни сўрайман, — деди Орзухон Ҳайитқулова суд мажлисида.

Фурқат СОБИРОВ, жиноят ишлари бўйича Балиқчи тумани суди раиси

Куч — адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.



ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Бахтиёр ИСЛАМОВ	Холмўмин ЁДГОРОВ
Робохон МАХМУДОВА	Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Халилилло ТУРАХУЖАЕВ	Замира ЭСОНОВА
Икрам МУСЛИМОВ	Азиз АБИДОВ
Шухрат ПОЛВАНОВ	Бобомурод РАЙИМОВ

Саҳифаловчи:

Шерзод
ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзиллари: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташиқлотлар учун - 575.
Буюртма: G-915 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда. Адади: 4370
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 22⁰⁰. Топширилди: 00⁰⁰.